

Муаллиф:

14.09.2023 13:03 - Янгиланди 14.09.2023 13:08

---



XIX аср охири — XX аср бошларида, айниқса, 1905 йил рус инқилобидан кейин Туркистонда чор мустамлакачилик сиёсатининг кучая бориши билан маҳаллий халқ ўртасида мустамлакачилик зулмига қарши норозилик қайфияти кучая бошлади. Маҳаллий халқнинг пешқадам зиёлилари жаҳолат ва қолоқликка қарши, эрк ва хуррият учун курашиш мақсадида маърифатпарварлик ва тараккийпарварлик гояларини олға сурдилар. Уларнинг саъй-ҳаракати билан миллий матбуот, замонавий адабиёт ва театр санъати пайдо бўлди. Бу ҳол чоризмнинг Туркистондаги маъмуриятини ташвишга солмай қолмади. Генерал-губернаторлик кейинчалик миллий уйғониш деб аталган бу ҳаракатнинг олдини олиш учун унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқди. Бу соҳада рус империясининг идеологларидан бири Н.И.Ильминский (1822—1891)нинг Туркистондаги шогирди, «Туркистон вилоятининг газети» (1870—1917) муҳаррири, миссионер Н.П.Остроумов (1846—1930) ва бошқалар, айниқса, фаол иш олиб бордилар.

Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланиб келаётган Туркистон муҳофаза бўлими фаолиятига оид кўп жилдлик архив ҳужжатлари билан танишиш шуни кўрсатадики, чор оҳранкаси Туркистондаги жаҳидчилик ва миллий уйғониш ҳаракатининг Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Убайдулла Хўжаев каби етакчи вакилларининг қардош озарбайжон, татар, турк маориф ва маданияти арбоблари билан бўлган ҳар қандай алоқа ва ҳамкорликларини доимий равишда қузатиб, улар олиб бораётган ҳар бир ишга раҳна солганлар, улар ўртасига низо уруғларини таишаб, уларнинг янги замонавий маърифат ва тараккийёт йўлидан боришларига тўсқинлик қилиб қолганлар. Айни пайтда улар ўз мақсадларига эришиш, тараккийпарвар кишиларни «жиловлаш» учун жаҳолатпараст амалдорлар ва рухонийлардан фойдаланганлар. Шунинг оқибати бўлса керакки, Хивада тараккийпарвар Ислохўжа ўлдирилган. Аваз жинни, Мирмуҳсин Шермухамедов қоғир деб эълон қилинган. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исмоил Обидов (Тараккий), Убайдулла Хўжаевлар чиқара бошлаган вактли нашрлар ҳам бир неча бор таъқибга учраган ва пировардида ёпиб қўйилган.

Мазкур архив ҳужжатларини ўрганиш бугунги кунда факат чор махфий идораларининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини қош қилиш нуқтаи назаридангина эмас, балки ўша даврда вужудга келган миллий уйғониш ҳаракати ва бу ҳаракат қатнашчиларининг фаолиятини ўрганиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Муаллиф:

14.09.2023 13:03 - Янгиланди 14.09.2023 13:08

---

Ўзбекистон Марказий Давлат архивининг катта илмий ходими В.Г. Черников томонидан мазкур хужжатлар мажмуасига илова тарзида берилган «Туркистон мухофаза бўлими фаолияти хақида тарихий маълумотнома» (1969 йил 19 май)да мазкур бўлимнинг ташкил бўлиш сабаблари, вақти, раҳбарлари ва махфий айгокчилари, уларнинг фаолияти ва кейинги тақдири хақида батафсил маълумотлар берилган.

«1907 йил бошларида Москва ва бошқа шаҳарларда декабристларнинг курулли кўзголони бостирилгач, — деб ёзилган маълумотномада, — чоризм бутун мамлакат бўйлаб катагонни кучайтириб юборди.

Хукуматга қарши фаолият олиб боровчи шахсларга қарши курашиш учун Туркистон генерал-губернаторлиги қошида махсус кидирув бўлими ташкил этилди.

Россия ички ишлар министри П.А. Столипиннинг буйrugига кўра, махсус бўлим бошлигига Туркистон ўлкаси сиёсий-кидирув бўлими бошлиги бўлган жандармлар алоҳида корпусининг подполковниги Васильев тайинланади. 1907 йил 15 декабрда Туркистон район мудофаа бўлими ташкил қилинади. Бўлимга собик махсус бўлим бошлиги подполковник Васильев бошлик бўлади. Сиёсий-кидирув ишлари бўйича бўладиган асосий ишларни филерлар (айгокчилар) олиб борардилар...

Охранка махфий айгокчиларга катта эътибор бериб, айникса, уларнинг хабарларини қимматли ҳисобларди. Хар бир ташкилотда мухофаза бўлими учун айгокчилик хабарларини етказиб турувчи хуфялар бўларди. Бундан ташқари, маҳаллий аҳолининг қайфияти, уларнинг Туркия, Афғонистон билан алоқалари хақида доимо хабар бериб турувчи ерли халқдан бўлган махсус айгокчилар ҳам бор эди...

Охранка, айникса, чет эллик фуқароларга алоҳида эътибор қаратди. Туркистонга келган хар бир чет эллик очик ва махфий кузатув остида бўлди...

1917 йил 7 мартда Вактли хукумат томонидан Туркистон район мухофаза бўлими тугатилди. Туркистон район мухофаза бўлими архивини назорат қилиб турувчи махсус комиссия тузилди. Охранка офицерлари, филерлари, махфий айгокчилари қўлга олиниб, судга берилди» (ЎзР МДА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 2468-иш, 1 — 8-бетлар).

[«Тарихнинг номаълум саҳифалари»дан](#)